

Шеър мураккаб семантик тузилишга эга, унда концептуал майдон сарҳадлари бадиий воситалар ёрдамида шаклланган. Дастлабки мисраларни мутлолаа қилиш жараёнида ўқувчи тасаввурида “Орол”нинг турли коннотатив, иккиламчи мазмунлари пайдо бўлади. Бошланғич мисралардаги “хаста хол, хаста ўй, бемажол, бемадор, беҳол, дод, кўзимнинг оку қароси” сўз ва сўз бирикмаларининг ишлатилиши туфайли “Орол” сўзи кўчма мазмунда ишлатилмоқда, деган хулоса пайдо бўлиши табиий. Бироқ, навбатдаги мисраларда ишлатилган “дарёларинг, балиқларинг, кирғонинг, тўлқинларинг” сўзларидан “Орол” сўзи концептуал майдон ядроси эканлигига ишонч ҳосил бўлади. Аммо у ўзинг иккинчи луғавий маъносида келган. Шоир миллига мансуб ҳар бир ўқувчи мазкур шеърдаги “Орол” – изоҳли луғатларда қайд этилган “атрофи сув билан ўралган қуруқлик” эмас, балки денгизнинг номи эканлигини дарҳол сезиши табиий. Ўзбекистон Республикасининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган Орол денгизининг қуриб бориши бутун ўзбек халқи, миллига учун табиий офат саналади. Шоир ушбу ходисадан таъсирланиб, ўз таассуротларини, эхтиросларини, ҳолатини коннотатив

мазмундаги бўёқдор сўзлар ҳамда жонлантириш орқали етказиб, ўқувчига прагматик таъсир ўтказишга мушарраф бўлган, шунингдек поэтик матннинг ҳиссий таъсирчанлик кучи сезиларли даражада ошган.

Матннинг бадиийлик сифати яширин мазмунларнинг ҳажми билан белгиланади. Бадиий матн майдонидаги яширин мазмунлар динамикада мавжуд бўлиб, турли хил муносабатларга киришади ва қабул қилувчининг матн билан алоқаси жараёнида доимий ўзгаришларни бошдан кечиради.

Айнан шу матн таркибида ва унинг воситаларида моддийлаштирилган матннинг семантик майдони муаллиф ва ўқувчи тафаккурини ўз ичига олади, улар матн ҳосил бўладиган, ҳаракатланадиган ҳамда семантик бирлик ва семантик кўплик сифатида мавжуд бўлган қирраларни ифодалайди. Мураккаб семантик тузилиш бадиий матннинг ажралмас хусусиятидир.

Бадиий матнда мазмун бутун ғоявий ҳажми билан қайта-қайта янгиланади. Бошқача қилиб айтганда, бадиий матн семантик такрорлаш (бир хил ғояни бошқа матн воситалари тўплами билан ифодалаш) билан ифодаланган ўзига ҳослик асосида қурилади.

Адабиётлар

1. Бабенко Л.Г., Васильев И.Е., Казарин Ю.В. Лингвистический анализ художественного текста. - Екатеринбург: Уральский ун-в.-т. 2000, -С. 533.
2. Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании. // Филологические науки. 2001, № 1. - С. 64-72.
3. Новикова У.В., Зимина Н.Ю. К вопросу об особенностях языковой репрезентации орнаментального поля художественного текста // Филологические науки. Вопросы теории и практики. -Тамбов: Грамота, 2016, № 2 (56): в 2-х ч. Ч. 2. -С. 127-129.
4. Носирова У.И. Поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари. Монография. – Фарғона: 2020, 152-б.
5. Пиночетов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. -М.: 1963, – С. 105.
6. Ревзина О.Г. О концепте собственно русской художественной формы // Функциональные и семантические характеристики текста. высказывания. слова. Вопросы русского языкознания. Вып. 8 / Под ред. М.Л. Ремневой, Е.В. Клобукова. – М.: Изд-во МГУ, 2000, -С. 47—56.

РЕЗЮМЕ. Поэтик матн семантикаси қанчалик коннотатив мазмундаги сўзлардан, бадиий концептлардан иборат бўлса, унинг мантиқийлиги ва таъсирчанлиги ҳам шу даражада ошади. Шоир индивидуал хос сўзларнинг ишлатилиши унинг идиостилини белгилайди. Шеърнинг прагматик салоҳияти муаллиф идиостилига боғлиқ. Муаллифнинг семантик салоҳиятини белгилашда бадиий концептларнинг роли, яъни поэтик матннинг концептуал тизими аҳамиятлидир.

РЕЗЮМЕ. Поскольку семантика поэтического текста состоит из слов коннотативного содержания, художественные концепции, его логика и аффективность также возрастают в этой степени. Использование поэтом отдельных специфических слов определяет его своеобразие. Прагматический потенциал стихотворения зависит от своеобразия автора. Роль художественных концептов, то есть концептуальной системы поэтического текста, значительна в определении семантического потенциала автора.

SUMMARY. Since the semantics of a poetic text consists of words of connotative content, artistic concepts, its logic and affectivity also increase to this extent. The poet's use of certain specific words determines his individuality. The pragmatic potential of the poem depends on the originality of the author. The role of artistic concepts, that is, the conceptual system of a poetic text, is significant in determining the semantic potential of the author.

ТИЛЛАРНИ ЧОҒИШТИРМА ЎРГАНИШНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

С.П.Кудайбергенова – ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: лингвокультурология, қиёсий метод, семантик, концепция, лексик-семантик майдон, табиий семантик Метатил назарияси.

Ключевые слова: лингвокультурология, сравнительный метод, семантика, концепт, лексико-семантическое поле, теория естественно-семантического метаязыка.

Key words: linguoculturology, comparative method, semantics, concept, lexical-semantic field, Natural Semantic Metal language theory.

Тилларни қиёслаб ўрганиш муаммоси қадимда тилшунослар эътиборини жалб этган. Когнитив аспектда лексикани қиёсий баён қилиш сўзлар ва луғатлар блокада оғзақлаштирилган ахборотнинг кенгайтирилган ҳажмини ҳисобга олиб лексиканинг функционал-семантик таснифини яратишга имкон беради.

И.А.Бодуэн де Куртенэ шундай ёзади: «Биз тилларни мутлақо уларнинг яқинлиги, улар орасидаги ҳар қандай тарихий алоқалардан қатъи назар қиёслашимиз мумкин. Тилларни қиёслашнинг бундай тури жуда кенг лингвистик умумлаштиришлар учун асос бўлиб хизмат қилади» [2].

Тилшунос Л.В.Щерба ҳар бир тил грамматикаси ва луғати бошқа тиллардан ҳоли тузилиши керак ва умуман ўзида лотин тили, рус тили грамматикаси ва

луғатини ўзида намоён қилмаслиги керак, деб ҳисоблайди. У ҳар бир тил бутунлай ўз эҳтиёжини қоплайдиган даражада кўриб чиқилиши керак, фақат сўнг методик, икки томонлама ўрганишни енгиллаштириш мақсадида икки тил тизимини қиёслашни ўтказиш мумкин, деб ёзади [11].

Тилларни қиёсий ўрганиш ғояси В.Гумбольдтнинг фалсафий-тилшунослик концепцияси, тил ва тафаккур ҳақидаги таълимотидан келиб чиқади. В.Гумбольдт ҳар бир тил мундарижасида ўзига хос таркибий қисмлар мавжудлигини кўрсатиб, инсон тафаккури бирлигини рад этади. В.Гумбольдт фикрига кўра, ҳар томонлама категориялар - яна қайта яратиш олдинда турган фикрлаш элементларининг идеал тизими, тайёр мантиқий схемага йўналтирилган грамматика тилнинг умумий асосини ҳосил қилади, мантиқий грамматика -бу грам-

матика эмас, тайёр мантикий схемаға йўналтирилган, яна қайта яратиш олдинда турган фикрлаш элементларининг идеал тизими [7].

Тилларнинг қиёсий таҳлили мақсади бир тилни бошқа тил билан қиёслаб хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади. Қиёслаш таҳлили типология маълумотлари остида ўтказилганлиги учун ушбу тилнинг хусусияти маълум ва равшан бўлади; улар нафақат бир-бирига нисбатан, балки қиёсланаётган тилларга ҳос ва умумий ҳамда фақат ушбу тилга ҳос, ягона фарқни кўрсатишга имкон берадиган мулоқот воситаси сифатида тилнинг умумий тузилишига нисбатан белгиланади.

В.Г.Гак тилларни қиёслаб ўрганишнинг умумий масалаларини қуйидагича шакллантирган:

1) турли тилларнинг тил воситаларидан фойдаланишдаги ўхшашлик ва фарқни аниқлаш;

2) фақат бир тилни “ички” ўрганишда тадқиқотчининг назаридан четда қолиши мумкин бўлган қиёсланаётган тилларнинг ҳар бирининг хусусиятларини аниқлаш;

3) универсалликни аниқлаш ва қиёслаш учун материални тақдим этиш [6].

Тилшунослар тилларни қиёслаб ўрганиш бўйича мавжуд ишларга таяниб тилларни қиёслашнинг қуйидаги асосий тамойилларини ажратдилар: қиёслаш тамойили, тизимлилик тамойили, чуқур қиёслаш тамойили, иккитомонлама қиёслаш тамойили, худудий чегараланмаганлик тамойили, синхронлик тамойили, тиллар орасидаги интерференцияни ҳисобга олиш тамойили ва бошқалар.

Қиёслаш тамойили қиёсланаётган тилларнинг ўрганиш даражаси, қиёсланаётган тилларнинг вазифавий ўхшаш ҳодисаларини аниқлаш ва тилларни қиёслашдаги турли ёндашувларнинг унумли боғланишларини кўзда тутати. Тизимлилик тамойили тил элементларининг тизимли муносабатидан келиб чиқиши кераклигини кўзда тутган ҳолда қиёслаш парадигматик гуруҳларини (тизим ости, майдон, лексик-семантик гуруҳлар, синонимик қаторлар ва ҳоказо).

Икки томонлама қиёслаш тамойили тизимни қиёслаш шароитида ўтказиладиган қиёслашни кўрсатади [12:5]. Бундай қиёслашда қиёсланаётган тиллар хусусиятлари кўриш майдонида бўлади. Икки томонлама қиёслаш барча тиллар орасидаги интерференцияни олдиндан кўриш, ҳам биринчи, ҳам иккинчи тилнинг аввал сезилмаган белгиларини аниқлашга имкон беради.

Тилларнинг қиёсий таҳлили феъл семантикасининг ҳам ҳар томонлама – тил ҳам идиоэтник хусусиятларини текшириш имкониятини беради. Маълум тилни бошқа тиллар билан қиёслаш тиллар ҳам жиддий фарқлар, ҳам аниқ ўхшашликка эга бўлган фикрлаш усулларини унда акс эттиришини аниқлашга имкон беради.

Феълларнинг семантик тузилиши ва рус тили ҳамда бошқирд тилида уларнинг лексик-семантик майдонига кирадиган конфигурациялар икки тилда ҳам кўп жиҳатларининг ўзаро боғлиқлигидан далолат беради. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, рус тилидаги феъл бошқирд тилидагига қараганда кўпроқ мураккаб семантик тузилишга эга бўлиб, бу фарқлар лексик- семантик майдонга мувофиқ конфигурацияда ўз аксини топади.

Тилларни қиёслаш ҳар бир алоҳида тил категорияси ва ҳодисасини чуқурроқ ва тўлиқроқ англашга ёрдам беради. “Барча тиллар ҳатто ўхшамайдиганлари ҳам бир-бирига жуда яқин. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хослиги фақат бошқа тил билан қиёслашда аниқ намоён бўлади” [8:131].

Элементар концептлар ҳар қандай табиий тиллар табиий ҳисобланганлиги учун синчковлик билан таҳлил қилиш йўли билан топилади.

Турли тил соҳиблари орасидаги ҳамфикрликни А.Вежбицкая “инсониятнинг чуқур маънавий бирлиги,

Ернинг барча одамларидаги оламни кўриш ва тафаккур қилиш усули ўхшашлиги билан” тушунтиради. Турли табиий тиллардаги семантик оддийлик турлича намоён бўлади, аммо улар семантик жиҳатдан бир-бирига эквивалентдир.

А.Вежбицкая дунёнинг турли тилларида аниқланган борлиқни концептуаллаштириш усулларининг барча турли-туманликлари учун умумий асоси мавжудлигидан келиб чиқади. А.Вежбицкаянинг ёндашувиға мувофиқ, қандайдир тилнинг у ёки бу тил бирлигида аксини топган ҳар қандай концепт барча тилларда семантик ажралмайдиган ва универсал, лексик кодлаштирилган элементар маъноларнинг маълум шакли кўринишида тақдим этилиши мумкин. Элементар концептларнинг тўплами бу метатилдир.

Ҳар қандай лингво хусусиятли концептни тушунтириш семантик элементларнинг кўпчилигини ташкил этган лексикон ва унинг табиий семантик метатил таржимасидан иборат. Концептуал оддийликлар айнан изоморфизмнинг фарз қилиниши турли семантик тизимларни умумий қиёслашга имкон беради.

Барча тилларнинг умумий ядросини маданият ва тилларни баён қилиш учун метатилнинг қандайдир аниқ тилига мустақил сифатида кўриб чиқиш мумкин. Тилларнинг умумий ядроси бир ва уша универсал Табиий Семантик Метатил (ТСМ)нинг лингвистик жиҳатдан ўзига хос версияси сифатида фойдаланиши мумкин бўлган изоморф кичик тилларнинг кўплигидир. ТСМ назарияси узида эмпирик тавсифдаги кенг кўламли тиллараро тадқиқотлар билан ва тилларни ўрганишга типологик ёндашув билан маънони тадқиқ қилишдаги фалсафий ва мантикий аънанани бирлаштиради [3].

Ҳар қандай алоҳида олинган тилдаги мувофиқликка эга бўлган Метатилнинг барча семантик бирликлари универсал деб мўлжалланади, яъни ҳар қандай алоҳида олинган тилдаги мувофиқликка эга бўлган. Демак, “табиий семантик метатил”да ёзилган изоҳлар аниқ тилнинг хусусиятларига боғлиқ эмас ва ҳар қандай тилга таржима қилиниши мумкин.

Сўзлар қанчалик барча тилларда ҳам ўхшашлигига эга бўлмаганлиги, уни ҳар қандай тил соҳибига тушунарли қилиш учун универсал метатилдан фойдаланиб унга изоҳ бериш керак, шу билан бирга изоҳда ушбу концептнинг лингвистик ва маданий жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари акс этиши лозим.

Бир қарашда кўздан яширин ва мувофиқ маданиятнинг ўзига хослигини тушуниш омилини берадиган семантик сезилар-сезилмас фарқларни кўришга имкон берадиган имконият вужудга келади.

А.Шмелевнинг таъкидлашича, универсал семантик тилдан фойдаланиш турли маданий моделларни ўрганиш натижаларини тақдим этишга имкон беради, улар ҳатто ушбу тил билан таниш бўлмаган ва ушбу маданиятга эга бўлмаган одамлар учун ҳам тушунарли бўлиши мумкин. Семантик (универсал) элементларнинг чекланган тўплами воситаси билан инсон томонидан юзага келтирилган ғояларнинг барча турли-туманлиги: табиий тилларнинг лексик бирликларида мужассамлаштирилган концептларни ифодалаш мумкин [10].

Лингвистик жиҳатдан ўзига хос сўзларнинг мавжудлиги ушбу маданиятда қабул қилинган қадриятлар тизимининг хусусиятлари, удумлар билан боғлиқ бўлиши мумкин берилган (ушбу) сўз маълум тил умумийлиги учун хос турмуш тарзини беради ва акс эттирилади ҳамда ўзида маданиятнинг ушбу жиҳатларини тушунишга “қимматбаҳо оми”ни намоён қилади.

Тилдаги семантик оддийликлар табиий тилнинг барча ифодасини келтириши мумкин. Тилларнинг ўзаро таржима қилиниши метатил мавжудлиги фойдасидан далолат беради.

Р.Джакендоф бир тилдан бошқа тилга гапнинг таржимасини умумий семантик структуранинг мавжудлиги билан тушунтиради [4].

Ҳар бир лексема парадигматик, синтагматик, эпидигматик ва ассоциатив каби турли муносабатлардаги бошқа луғат бирликлари билан боғлиқ бўлганлиги учун яхлит блоклар кўринишидаги лексикани ўрганиш заруратини шарт қилиб қўяди. Тилларнинг лексик-семантик киёси, аввало, маълум ахборот соҳалари билан, яъни семантик майдон билан ўзаро боғланган категориялар типологияси ҳисобланади.

Семантик майдон лексик бирликлари бошқа вариант маъноси билан бирлаштирадиган лексик семантиканинг умумийлигидир.

Тилларни тил майдонига ажратиш йўли билан турли тилларни киёслаб ўрганиш ҳақидаги ғоя Й.Трирдан келиб чиққан. Олим, алоҳида бир тил майдонини ажратиш яхлит олинган икки тил учун зарур дастлабки тил ҳисобланади, деб ёзади. Й.Трирининг семантик майдони ҳақидаги асосий қоида қуйидаги кўринишга эга.

Тил барқарор, аммо лексик бирликни ўзида намоён қилган алоҳида тизим эмас. Шунингдек маъноси ҳам алоҳида ҳисобланмайди, балки тизимнинг бошқа сўзларининг қолган маънолари билан ўзаро алоқага киришади.

Тил тизими икки параллел даража билан намоён бўлади: тушунча сифатидаги тушунча майдони ва лексик бирликдан иборат ишора (сўз) майдони шундай қилиб, тилнинг барча тушунча майдони мувофиқ сўз майдонлари билан тенг қопланади.

Йост Трир майдонлар орасидаги боғланишнинг асосий кўриниши сифатида бир майдон таркиби ва тузил-

масида ҳар қандай ўзгариш бўйича у билан аралаш майдонларни жавобли ўзгаришга олиб келадиган иерархик бўйсунушга ажратади [13].

О.С.Ахманова таърифига кўра “семантик майдон кўпроқ ёки камроқ автоном микротизим кўринишига мувофиқ тилда назарияга эга бўлган борлиқнинг заррачасидир” [1].

Ҳозирги вақтда илмий лексикография соҳасида семантик майдонни ушбу тилнинг маълум “тушунчали доираси”ни тўлдирадиган луғатнинг ихчам қисми сифатида кўриб чиқилади [9].

Ю.Н.Караулов семантик майдонни олам тил моделининг мазмуний элементи сифатида кўриб чиққан. У семантик майдон чегарасини ноаниқ ва хира деб ҳисоблайди. Ушбу бирлашишлар ҳаракатчан, динамик бўлганлиги учун, семантик майдон ташки олам реалиясининг ўзгаришларига мувофиқ мунтазам ўзгаради [5].

Майдон назариясида, турли сўз туркумларига тегишли сўз ўзида семантик майдонни киритади, деган уша ҳолат муҳимдир. Семантик майдон-турли сўз туркумлари лексик бирликларининг унга кирувчи лексик-семантик гуруҳига қараганда, катта ташки қисми ва маркази таркибида мавжудлиги тушуниладиган «тизмни ташкил қилишни майдон принципи билан лексик гуруҳлаш» деб аниқлайди [9:104].

Семантик майдон ва унинг таркибий қисмлари бўлган камроқ ҳажмли парадигматик гуруҳлар функционал-когнитив соҳа - фақат каттароқ йирик блоклар таркибида функционал аҳамиятини ажратиб олади.

Адабиётлар

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. 1966.
2. Б.де Куртенэ. Избранные труды по общему языкознанию. Том 1. М.: АН 1963.
3. Вежбицкая А. *Семантические универсалии и описание языков* / Пер. с англ. А.Д. Шмелева; под ред. Т.В. Булыгиной. М.: Языки русской культуры, 1999. [Wierzbicka, Anna (1999b). *Semantic universals and description of languages*. Translated from English by A. Shmelev. Moscow, Yazyki russkoi kul'tury. (In Russ.)]
4. Джакендоф Р. Принципы и методы семантических исследований. -М.: «Наука», 1986.
5. Караулов Ю.Н. Общая и русского языка идеография. 1976.
6. Гак Теньер и его структурный синтаксис. // Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. -М.: 1988, -С. 5-21.
7. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. - М.: «Прогресс», 1985, -С. 452.
8. Скаличка Большая российская энциклопедия. (электронная версия). -М.: 1967.
9. Слюсарева А.А. История России в фотографиях. 1990.
10. Шмелев А.Д. Русская языковая модель мира: Материалы к словарю. -М.: Языки славянской культуры.
11. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. 1974.
12. Ярцева В.Н. История морфологии английского языка. -М.: 1960.
13. Jost Trier Semantics 1931.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақола тилларни чоғиштирма ўрганишнинг лингвокультурологик жиҳатлари ва тилларни киёслаб ўрганиш методининг қўлланилиши ҳақида. Тилларнинг киёсий таҳлили феъл семантикасининг ҳам ҳар томонлама - тил ҳам идиоэтник хусусиятларини текшириш имкониятини беради.

РЕЗЮМЕ. Данная статья посвящена лингвистическим и культурным аспектам смешанного изучения языков и применению метода сравнительного изучения языков. Сравнительный анализ языков дает возможность проверить семантику глаголов, как межъязыковую, так и идиоэтническую.

SUMMARY. This article is about the linguistic and cultural aspects of cross-linguistic learning and the application of the method of comparative language learning. The comparative analysis of languages provides an opportunity to check the semantics of verbs, both cross-linguistic and idioethnic.

ЖУРНАЛИСТ ДӨРЕТИЎШИЛИГИНДЕ ПЕРИФРАЗЛАРДЫҢ ХЫЗМЕТИ

А.К.Пирниязова – филология илимлериниң докторы, доцент

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Г. П.Каллибекова – филология илимлери бойынша философия докторы

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Таянч сўзлар: перифраза, даврий матбуот, тасвирий воситалар, от, сон, ижд, журналист, бош мақола, публицистик мақола.

Ключевые слова: перифраза, периодическая печать, изобразительно-выразительные средства, существительные, числительные, творчество, журналист, главная статья, публицистическая статья.

Key words: paraphrase, periodical, figurative and expressive means, nouns, numerals, creativity, journalist, main article, journalistic article.

Қарақалпақстан күнделikli газеталары сыпатында узак тарийхқа ийе болған «Еркин Қарақалпақстан», «Қарақалпақстан жаслары» газеталарын атап көрсетиўге болады. Жаңалықларды, ўақыя-хәдийселерди, жәмийетлик-сиясий турмысты газета оқыўшысына жеткерип берийде ҳәр дайым оператив искерлиги менен көзге түспекте. Газеталарда берилген мақалалар

темасы, мазмуны хәм фактлерден пайдаланыў усылы менен басқа газеталардан өзгешеленип турады. Себеби, газетада тәжирийбели журналистлер дөретийшилик жумысларын алып бармакта. Қарақалпақ тилиниң гөззаллығын, лексикалық ресурсларының кең екенлигин усы газеталар тилинде пайдаланып атырған лексикалық бирликлер мысалында да көрийге болады.